

**ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI  
VAZIRLAR MAHKAMASINING  
QARORI**



**ПОСТАНОВЛЕНИЕ  
КАБИНЕТА МИНИСТРОВ  
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН**

« 15 » Февраль 2019 у.

№ 134

Toshkent sh.

**Фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш ва нотариал органлар соҳасида ҳамда расмий ҳужжатларга апостиль қўйиш бўйича давлат хизматлари кўрсатишнинг маъмурий регламентларини тасдиқлаш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Аҳолига давлат хизматлари кўрсатишнинг миллий тизимини тубдан ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2017 йил 12 декабрдаги ПФ–5278-сон Фармонида мувофиқ ҳамда фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш ва нотариал органлар соҳасида давлат хизматлари кўрсатиш тизимини янада такомиллаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

**1. Қуйидагилар:**

Туғилганликни қайд этиш бўйича давлат хизмати кўрсатишнинг маъмурий регламенти 1-иловага мувофиқ;

Фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органлари томонидан архив ҳужжатларини бериш бўйича давлат хизмати кўрсатишнинг маъмурий регламенти 2-иловага мувофиқ;

Идоравий нотариал архивлар томонидан архив ҳужжатларини бериш бўйича давлат хизмати кўрсатишнинг маъмурий регламенти 3-иловага мувофиқ;

Адлия органлари ва муассасаларидан ҳамда фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш органларидан чиқадиган расмий ҳужжатларга апостиль қўйиш бўйича давлат хизмати кўрсатишнинг маъмурий регламенти 4-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги давлат хизматлари кўрсатиш учун зарур ҳужжатлар ва бошқа ҳужжатларнинг памунавий шакллари, бланкалари ишлаб чиқилишини ҳамда тасдиқланишини, Давлат хизматлари марказларининг ходимлари иштирокида ушбу қарор билан тасдиқланган маъмурий регламентларни амалда қўллашнинг самарадорлиги ва амалда қўлланилиши нағижадорлиги даражасини оширишга йўналтирилган ўқув семинарлари ташкил этилиши ва ўтказилишини ўн кун муддатда таъминласинлар.

3. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг 5-иловага мувофиқ айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни бир ой муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштирсин.

5. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси адлия вазири Р.Қ. Давлетов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Бош вазири**



**А. Арипов**

Вазирлар Маҳкамасининг  
2019 йил "15" февралдаги  
134-сон қарорига  
1-илова

## **Туғилганликни қайд этиш бўйича давлат хизмати кўрсатишнинг МАЪМУРИЙ РЕГЛАМЕНТИ**

### **1-боб. Умумий қондалар**

1. Мазкур Регламент жисмоний шахсларга (боланинг ота-онаси ёки улардан бири, алоҳида ҳолатларда эса қариндошлари, қўшнилари ёки ота-онаси ёхуд ота-онасидан бири ваколат берган бошқа шахслар) (кейинги ўринларда ариза берувчилар деб аталади) туғилганликни қайд этиш бўйича давлат хизмати (кейинги ўринларда давлат хизмати деб аталади) кўрсатиш тартибини белгилайди.

Ушбу Регламент талаблари қуйидаги ҳолатларда:

никоҳда бўлмаган ота-онадан туғилган боланинг туғилишини уларнинг биргаликдаги аризаси (оталикни белгилаш) асосида қайд этишда;

топиб олинган (ташлаб кетилган) боланинг туғилишини қайд этишда;

боланинг туғилишини ёлғиз онанинг аризаси асосида қайд этишда;

ўлик туғилган боланинг туғилганлигини, ҳаётининг биринчи ҳафтасида ўлган (перинатал ўлим) болаларнинг туғилганлигини, шунингдек, эгизаклардан бири ўлик туғилганда ёки ҳаётининг биринчи ҳафтасида (перинатал ўлим) вафот этганда тирик эгизакнинг туғилганлигини қайд этишда;

боланинг у ёки бу онадан туғилганлик фактини суднинг ҳал қилув қарорига асосан қайд этишда татбиқ этилмайди.

2. Давлат хизмати Давлат хизматлари марказлари орқали марказлар биносида жойланган ҳудудий фуқаролик ҳолати даволатномаларини ёзиш бўлимлари (кейинги ўринларда ФХДЁ бўлимлари деб аталади) томонидан кўрсатилади.

3. Давлат хизматлари марказлари ва ФХДЁ бўлимлари ўртасидаги ахборот алмашинуви электрон рақамли имзони (кейинги ўринларда ЭРИ деб аталади) мажбурий тартибда қўллаш орқали фақат идоралараро электрон ўзаро боғланиш ёрдамида амалга оширилади.

4. Давлат хизмати кўрсатиш ушбу Регламентга 1-иловага мувофиқ схема бўйича амалга оширилади.

### **2-боб. Давлат хизмати кўрсатиш тартиби**

5. Ариза берувчи давлат хизмати олиш учун бола туғилган жойдаги ёки ота-онасидан бирининг доимий янаш жойидаги Давлат хизматлари марказига ўзи келган ҳолда муружаат этади.

6. Давлат хизматлари маркази ходими ариза берувчи номидан ушбу Регламентнинг 2-иловасига мувофиқ шаклдаги сўровномани электрон равишда тўлдиради.

7. Сўровномага қуйидаги ҳужжатлар илова қилинади:  
туғилганлик ҳақидаги тиббий маълумотнома;  
ота-оналарнинг шахсини тасдиқловчи ҳужжатлар;  
никоҳ тузилганлиги ҳақидаги гувоҳнома (маълумотнома).

Бола туғилган кундан бошлаб бир ой муддат ўтказиб юборилганда - туғилиш фактини тасдиқловчи ҳужжатга қўшимча равишда қонунчиликда белгиланган тартибда бошқа ҳужжатлар ҳам тақдим этилади.

Ота-оналардан бирининг шахсини тасдиқловчи ҳужжат бўлмаган алоҳида ҳолатларда ота ёки она ҳақида маълумотлар никоҳ тузилганлиги ёки аввалги болаларининг туғилганлиги ҳақидаги гувоҳномалари асосида кўрсатилади.

Ота-онанинг шахсини тасдиқловчи ҳужжатлар бўлмаганда боланинг туғилганлигини қайд этиш тиббиёт муассасасининг ёки васийлик ва ҳомийлик органининг ёзма мурожаатларига асосан амалга оширилади.

Бола туғилгунга қадар унинг отаси вафот этган вақтдан, ота-онаси никоҳи бекор қилинганлигидан ёки ота-онасининг никоҳи суд томонидан ҳақиқий эмас деб топилгандан кейин 300 кундан кўп вақт ўтмаган бўлса ариза берувчи томонидан никоҳдан ажралганлик ҳақидаги гувоҳнома, суднинг никоҳдан ажратиш ҳақидаги қароридан кўчирма (нусха) ёки никоҳни ҳақиқий эмас деб топганлиги тўғрисида суднинг қонуний кучга кирган қароридан кўчирма (нусха) ёки отасининг ўлими ҳақидаги гувоҳнома тақдим этилади.

Ўзбекистон Республикаси фуқароси чет элда туғилган ва унинг туғилганлиги консуллик муассасаси томонидан қайд этилмаган тақдирда белгиланган тартибда легализация қилинган ёки апостиль қўйилган хорижий давлатнинг ваколатли органлари томонидан берилган бола туғилганлигини тасдиқловчи ҳужжат тақдим этилади.

8. Сўровномага зарур маълумотларни расмийлаштиргандан ва киритгандан сўнг аризачи уни ўз ЭРИ билан тасдиқлайди.

Ўзи келиб мурожаат этган тақдирда сўровномани ЭРИ билан тасдиқлаш имконияти бўлмаган ҳолларда тегишли имзолар идентификация қилишнинг бошқа воситалари (дактилоскопия, электрон имзо ва бошқалар) билан ҳам тасдиқланиши мумкин.

9. Туғилганлик ҳақидаги гувоҳнома расмийлаштирилганлиги учун энг кам ойлик иш ҳақининг 15 фоизи миқдорида герб йигими ундирилади.

Давлат хизмати кўрсатиш учун тўлов тўланганлигини тасдиқлаш ахборот – коммуникация тизимлари орқали амалга оширилади.

Тўлов суммаси қуйидаги тартибда тақсимланади:

20 фоизи – Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Давлат хизматлари агентлиги бюджетдан ташқари жамғармасининг шахсий ҳисоб рақамига;

15 фоизи – туманлар ва шаҳарлар бюджетлари даромадига;

31 фоизи – Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг ғазначилик ҳисоб рақамларига ўтказилади ва гербли гувоҳномалар ва фуқаролик ҳолати

ёзувлари бланкаларини тайёрлаш билан боғлиқ харажатларни қоплашга, шунингдек, адлия органлари ва муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва ходимларини моддий рағбатлантириш тадбирларига;

34 фоизи – Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг махсус ташкил қилинадиган газначилик шахсий ҳисобварағига йўналтирилади ва фақат ФХДЁ бўлимларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш бўйича тадбирлари, ходимларининг узок муддат хизмаг қилгани учун иш ҳақиға устама ҳақ тўлаш ва мартаба даражалари учун қўшимчаларига, шунингдек, уларни моддий рағбатлантиришга (лавозим маошининг ва мукофотларнинг 100 фоизи миқдоригача шахсий устамалар) тадбирларига сарфланади.

10. Ариза берувчи сўровномасида нотўғри маълумотлар кўрсатилиши, ҳужжатлар тўлиқ тақдим этилмаганлиги, шунингдек, давлат хизматлари кўрсатиш учун тўловни тўламаслик давлат хизмати кўрсатишни рад этиш учун асос ҳисобланади.

Давлат хизматлари кўрсатишни бошқа асослар бўйича рад этиш тақиқланади.

11. Ариза берувчи давлат хизматидан фойдаланишдан уни кўрсатишнинг ҳар қандай босқичида бош тортиш ҳуқуқиға эға. Ариза берувчи давлат хизматидан фойдаланишдан бош тортганда унинг сўровномаси кўрмасдан қолдирилади. Бунда, давлат хизмати кўрсатиш учун тўланган маблағлар қайтарилади.

12. Давлат хизматлари марказлари томонидан сўровнома тўлдирилиб, у ариза берувчининг имзоси билан тасдиқланганидан сўнг, ота-оналарнинг шахсини тасдиқловчи ҳужжатлар ва никоҳ тузилганлиги ҳақидаги гувоҳнома (маълумотнома), туғилганлик ҳақидаги тиббий маълумотноманинг асл нусхалари далолатнома тузган ҳолда 2 соат мобайнида тегишли ФХДЁ бўлимларига тақдим этилади.

13. ФХДЁ бўлимлари туғилганликни қайд этиш масаласидаги сўровнома ва унга илова қилинган ҳужжатларни қабул қилиб олганидан сўнг 2 иш кунида ҳамда қўшимча ўрганишни талаб этган ҳолатларда 3 иш кунида Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 14 ноябрдаги 387-сон қарори билан тасдиқланган Фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш қоидаларига асосан кўриб чиқади ва натижасига кўра болага нисбатан туғилганлик ҳақидаги далолатнома ёзувини расмийлаштиради ёки уни расмийлаштиришни рад этиш тўғрисидаги асослантирилган маълумотномани тузади.

14. ФХДЁ бўлимлари 1 соат мобайнида қайд этилган туғилганлик ҳақида далолатнома ёзуви, туғилганлик ҳақида гербли гувоҳнома ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг туман (шаҳар) бўлимиға топшириш учун туғилганлик ҳақида маълумотнома ёки туғилганлик ҳақидаги далолатнома ёзувини расмийлаштиришни рад этиш тўғрисидаги асослантирилган маълумотномани ариза берувчига етказиш учун Давлат хизматлари марказига юборади.

15. Туғилганлик ҳақидаги далолатнома ёзувини расмийлаштириш қуйидаги ҳолатларда рад этилиши мумкин:

агар туғилганликни қайд этиш қонунчиликка зид бўлса;

агар тақдим этилган ҳужжатлар уларга нисбатан қонун ҳужжатларида кўйиладиган талабларга мувофиқ бўлмаса;

агар туғилганликни қайд эттириш учун мурожаат қилган шахс бунга ҳуқуқли бўлмаса ёки суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилган бўлса.

16. Давлат хизматлари маркази ФХДЁ бўлимлари томонидан тақдим этилган ҳужжатларни қабул қилиб олгандан сўнг 10 дақиқа мобайнида ариза берувчини ахборот-коммуникация тизими орқали хабардор қилади ва ариза берувчига ҳужжатларни қабул қилиб олганлиги тўғрисида имзолатган ҳолда тақдим этади.

Агар ариза берувчи туғилганликни қайд этиш ва у билан боғлиқ бўлган ҳужжатларни 3 иш куни давомида Давлат хизматлари марказидан олиб кетмаса, Давлат хизматлари маркази ушбу ҳужжатларни далолатнома тузган ҳолда тегишли ФХДЁ бўлимларига топширади ва бу ҳақда ариза берувчини хабардор қилади.

### **3-боб. Яқунловчи қоидалар**

17. Давлат хизматлари марказлари ва ФХДЁ бўлимлари ўз фаолиятини амалга ошириши натижасида олинган ариза берувчилар ҳақидаги маълумотларнинг сир сақланишини таъминлаши керак.

18. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Давлат хизматлари агентлиги, унинг ҳудудий бошқармалари ва Давлат хизматлари марказлари ушбу Регламент талаблари ижроси бўйича давлат органлари ва бошқа ташкилотларнинг фаолияти юзасидан доимий назоратни ва мониторингни амалга оширадилар.

19. Ариза берувчи давлат органлари ва бошқа ташкилотлар ходимларининг ҳатти-ҳаракатлари юзасидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда шикоят қилиши мумкин.

20. Ушбу Регламент талабларининг бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

Туғилганликни қайд этиш бўйича давлат хизматини  
кўрсатишнинг маъмурий регламентига  
1-илова

Туғилганликни қайд этиш бўйича давлат хизмати кўрсатиш  
СХЕМАСИ

Босқичлар	Субъектлар	Тадбирлар	Бажариш муддатлари
1-босқич	Ариза берувчи	1. Туғилганликни қайд этиш учун Давлат хизматлари марказига ўзи келиб мурожаат қилиш. 2. Герб йиғимини тўлаш.	1. Хоҳишига кўра 2. Мурожаат этганида
2-босқич	Давлат хизматлари маркази	Сўровнома ва унга илова қилинган ҳужжатларни ФХДЁ бўлимига юбориш.	1 иш кунда
3-босқич	ФХДЁ бўлими	1. Сўровноманинг ва унга иловаларнинг конун ҳужжатлари талабларига мувофиқлигини ўрганиш. 2. Ариза берувчига туғилганликни қайд этиш ҳақида гувоҳномани расмийлаштириш. 3. Давлат хизмати марказига юбориш.	2 иш кунда, қўшимча ўрганишни талаб этган ҳолатларда – 3 иш кунда 1 соатда
4-босқич	Давлат хизматлари маркази	Туғилганлик гувоҳномаси келиб тушгандан сўнг, ариза берувчига ҳужжатларни қабул қилиб олганлиги тўғрисида имзолатган ҳолда гувоҳномани бериш.	10 дақиқада

Туғилганликни қайд этиш бўйича давлат хизмати  
кўрсатишнинг маъмурий регламентига  
2-илова

(сана)

(рақам)

Туғилганликни қайд этиш учун  
СЎРОВНОМА

<b>I. Арıza берувчи ҳақида маълумот:</b>	
1. Фамилияси, исми, отасининг исми:	
2. Жисмоний шахснинг шахсий идентификация рақами (ЖШ ШИР) (мавжуд бўлганда):	
3. Телефон ва электрон манзили:	
4. Яшаш жойи:	
<b>II. Тақдим этиладиган ҳужжатлар рўйхати:</b>	
1. Туғилганлик ҳақидаги тиббий маълумотнома:	
2. Ота-оналарнинг шахсини тасдиқловчи ҳужжатлар:	
3. Никоҳ тузилганлиги ҳақидаги гувоҳнома:	
4. Бошқа ҳужжатлар	
....	
<b>III. Боланинг фамилияси, исми ва отасининг исми ҳақидаги маълумот (маълумолар тўлиқ ёзилиши шарт):</b>	
1. Боланинг фамилияси:	
2. Боланинг исми:	
3. Бола отасининг исми:	
4. Боланинг ота-онаси қаерда ва ким бўлиб ишлаши тўғрисида маълумот:	
4.1. Отаси:	
4.2. Онаси:	
5. Боланинг ота-онаси маълумоти:	
5.1. Отаси:	
5.2. Онаси:	
6. Арıza билан мурожаат этган шахснинг болага нисбатан алоқадорлиги	



Вазирлар Маҳкамасининг  
2019 йил “15” феврал даги  
134-сон қарорига  
2-илова

## **Фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органлари томонидан архив ҳужжатларини бериш бўйича давлат хизмати кўрсатишнинг МАЪМУРИЙ РЕГЛАМЕНТИ**

### **1-боб. Умумий қоидалар**

1. Мазкур Регламент жисмоний шахсларга (кейинги ўринларда ариза берувчилар деб аталади) туман (шаҳар) фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш бўлимлари, никоҳ уйлари, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Давлат хизматлари агентлигининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармалари фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш архивлари (кейинги ўринларда ФХДЁ органлари деб аталади) ҳамда шаҳарчалар, қишлоқлар ва овуллар фуқаролар йиғинлари, Ўзбекистон Республикасининг консуллик муассасаларида қайд этилган фуқаролик ҳолати далолатнома ёзувлари ҳақидаги маълумотномаларни бериш бўйича давлат хизмати (кейинги ўринларда давлат хизмати деб аталади) кўрсатиш тартибини белгилайди.

2. Давлат хизмати Давлат хизматлари марказлари орқали ФХДЁ органлари томонидан кўрсатилади.

3. Давлат хизматлари марказлари ва ФХДЁ органлари ўртасидаги ахборот алмашинуви электрон рақамли имзони (кейинги ўринларда ЭРИ деб аталади) мажбурий тартибда қўллаш орқали фақат идоралараро электрон ўзаро боғланиш ёрдамида амалга оширилади.

4. Давлат хизмати кўрсатиш мазкур Регламентга 1-иловага мувофиқ схема асосида амалга оширилади.

### **2-боб. Давлат хизмати кўрсатиш тартиби**

5. Ариза берувчи давлат хизмагидан фойдаланиш учун Давлат хизматлари марказига ўзи келиб мурожаат этади.

6. Давлат хизматлари маркази ходими ариза берувчи номидан ушбу Регламентнинг 2-иловасига мувофиқ шаклдаги сўровномани электрон шаклда тўлдиради.

7. Сўровномага:

паспорт ёки шахсини тасдиқловчи бошқа ҳужжат нусхаси;

ариза берувчи ишончнома асосида ҳаракат қилаётганда – ишончнома нусхаси;

ариза берувчининг марҳумга қариндошлигини тасдиқловчи ҳужжатлари;

ариза берувчи васиятномага асосан меросхўр бўлганда – васиятнома ва мархумнинг ўлими ҳақида гувоҳнома нусхалари, ариза берувчи қонуний вакил бўлса – уни тасдиқловчи ҳужжат нусхаси илова қилинади.

Ариза берувчи тақдим этган ҳужжатлар нусхалари Давлат хизматлари маркази ходимлари томонидан уларнинг асл нусхаларидан олинishi лозим.

8. Сўровномага зарур маълумотларни расмийлаштиригандан ва киритгандан сўнг аризаچи уни ўз ЭРИси билан тасдиқлайди.

Ўзи келиб мурожаат этган тақдирда сўровномани ЭРИси билан тасдиқлаш имконияти бўлмаган ҳолларда тегишли имзолар идентификация қилишнинг бошқа воситалари (дактилоскопия, электрон имзо ва бошқалар) билан ҳам тасдиқланиши мумкин.

9. Давлат хизмати кўрсатилгани учун энг кам ойлик иш ҳақининг 5 фоизи миқдоридан йиғим ундирилади.

Давлати хизмати кўрсатилгани учун йиғим тўланганлигини тасдиқлаш ахборот-коммуникация тизимлари орқали амалга оширилади.

Йиғим Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Давлат хизматлари агентлиги бюджетдан ташқари жамғармасининг шахсий ҳисоб рақамига ўтказилади.

10. Сўровномада нотўғри маълумотларнинг кўрсатилиши, сўровномага илова қилиниши лозим бўлган ҳужжатларнинг тақдим этилмаганлиги, шунингдек, давлат хизматлари кўрсатиш учун йиғимни тўламаслик давлат хизмати кўрсатишни рад этиш учун асос ҳисобланади.

Давлат хизматини кўрсатишни бошқа асослар бўйича рад этиш тақиқланади.

11. Ариза берувчилар давлат хизматидан фойдаланишдан уни кўрсатишнинг ҳар қандай босқичида бош тортиш ҳуқуқига эга. Ариза берувчи давлат хизматидан фойдаланишдан бош тортишда унинг сўровномаси кўрмасдан қолдирилади. Бунда, тўланган йиғим суммаси қайтарилмайди.

12. Сўровнома Давлат хизматлари маркази ходими томонидан тўлдирилиб, ариза берувчининг ЭРИси билан тасдиқлангандан сўнг, барча ҳужжатлар 10 дақиқа мобайнида тегишли ФХДЁ органига электрон шаклда юборилади.

13. ФХДЁ органи сўровнома тушган вақтдан бошлаб 1 иш соати мобайнида QR-код (матрик штрихли код) кўйилган маълумотномани расмийлаштиради ҳамда тегишли Давлат хизматлари марказига юборади.

14. Сўровномада сўралаётган маълумотлар ФХДЁ органида мавжуд бўлмаганда ФХДЁ органи сўровномани тегишли равишда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Давлат хизматлари агентлигининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармалари фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш архивларига юборади ва бу ҳақда Давлат хизматлари марказларини электрон тарзда хабардор қилади. Бунда Давлат хизматлари маркази ариза берувчига ахборот-коммуникация тизими орқали хабар беради.

Ҳудудий фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш архивлари сўровнома тушган кундан бошлаб 3 иш куни мобайнида сўралаётган маълумотларни

тегишли ФХДЁ органларида мавжуд ёки мавжуд эмаслигини аниқлаб, QR-код (матрик штрихли код) қўйилган маълумотномани расмийлаштиради ҳамда тегишли Давлат хизматлари марказига юборади.

15. Давлат хизматлари маркази, маълумотнома келиб тушгандан сўнг 10 дақиқа мобайнида уни ариза берувчининг электрон манзилига юборади ва ариза берувчини бу ҳақда ахборот-коммуникация тизими орқали хабардор қилади. Давлат хизматлари маркази ариза берувчининг сўровига кўра унга маълумотномани электрон шаклда ёки қоғоз шаклда муҳрини босиб бериши мумкин.

### **3-боб. Яқунловчи қондалар**

16. Давлат хизматлари марказлари ва ФХДЁ органлари ўз фаолиятини амалга ошириши натижасида олинган маълумотларнинг сир сақланишини таъминлайди.

17. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Давлат хизматлари агентлиги, унинг ҳудудий бошқармалари ва Давлат хизматлари марказлари ушбу Регламент талаблари ижроси бўйича давлат органлари ҳамда бошқа ташкилотларнинг фаолияти юзасидан доимий назоратни ва мониторингни амалга оширади.

18. Ариза берувчилар давлат органлари ва бошқа ташкилотлар ходимларининг хатти-ҳаракатлари юзасидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда шикоят қилишлари мумкин.

19. Мазкур Регламент талабларининг бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

Фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органлари  
томонидан архив ҳужжатларини бериш бўйича давлат  
хизматлари кўрсатишнинг маъмурий регламентига  
1-илова

Фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органлари томонидан архив ҳужжатларини бериш  
СХЕМАСИ

Босқичлар	Субъектлар	Тадбирлар	Бажариш муддатлари
1-босқич	Ариза берувчи	1. Архив ҳужжатларини олиш учун Давлат хизматлари марказига ўзи келиб мурожаат қилиш. 2. Белгиланган миқдорда тўловни тўлаш.	1. Хоҳишига кўра 2. Мурожаат этганида
2-босқич	Давлат хизматлари маркази	Сўровномани ФХДЁ органига юбориш.	Сўровнома расмийлаштирилган пайтда
3-босқич	ФХДЁ органи	1. QR-код (матрик штрихли код) қўйилган маълумотномани расмийлаштиради ҳамда тегишли Давлат хизматлари марказига юбориш. 2. Агар сўровномада сўралаётган маълумотлар ФХДЁ органида мавжуд бўлмаганда сўровномани тегишли равишда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Давлат хизматлари агентлигининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармалари фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш архивларига юбориш ва бу ҳақда Давлат хизматлари марказларини электрон тарзда хабардор қилиш.	1 иш соатида
4-босқич	Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Давлат хизматлари агентлигининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармалари фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш архивлари	Сўровнома тушгандан сўнг сўралаётган маълумотларни тегишли ФХДЁ органларида мавжуд ёки мавжуд эмаслигини аниқлаб, QR-код (матрик штрихли код) қўйилган маълумотномани расмийлаштириш ҳамда тегишли Давлат хизматлари марказига юбориш.	3 иш кунда
5-босқич	Давлат хизматлари маркази	1. Архив ҳужжатлари тушганидан сўнг, ариза берувчини хабардор қилиш. 2. Ариза берувчининг сўровига кўра унга маълумотномани электрон шаклда ёки коғоз шаклда муҳрини босиб бериш.	1. 10 дақиқада 2. Етиб келганида

Фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш  
органлари томонидан архив ҳужжатларини бериш  
бўйича давлат хизматлари кўрсатишнинг маъмурий  
регламентига  
2-илова

(сана)

(рақам)

Фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органлари томонидан архив  
ҳужжатларини бериш бўйича  
СЎРОВНОМА

<b>I. Ариза берувчи ҳақида маълумот:</b>	
1. Фамилияси, исми ва отасининг исми:	
2. Телефон рақами ва электрон манзили:	
3. Манзили:	
4. Жисмоний шахснинг шахсий идентификация рақами (ЖШ ШИР) (мавжуд бўлганда):	
<b>Ҳужжат сўралаётган шахснинг маълумотлари:</b>	
1. Фамилияси, исми, отасининг исми:	
2. Маълумотнома тури (туғилиш, никоҳ, никоҳдан ажралиш, ўлим, ёлғиз она, оталикни белгилаш, маълумотлар мавжуд ёки мавжуд эмаслиги ҳақида ва бошқа маълумотлар):	
3. Далолатнома ёзуви қайд этилган йил ва сана:	
4. Талаб этилаётган маълумотлар қайд этилиши мумкин бўлган давр:	
5. Далолатнома ёзуви қайд этилган ҳудуд (ҳудуд номи ёки республика миқёсида):	
<b>II. Такдим этиладиган ҳужжатлар рўйхати:</b>	
1. Паспорт ёки шахсини тасдиқловчи бошқа ҳужжат нусхаси:	
2. Учинчи шахслар манфаатида ҳаракат қилаётганда – нотариал тасдиқланган ишончнома (чет элда яшовчи фуқаро томонидан берилган ҳамда чет тилида тузилган ишончнома белгиланган тартибда легализация қилинган ёки апостиль қўйилган бўлиши лозим):	
3. Тегишли ҳолатларда марҳумга қариндошлигини тасдиқловчи ҳужжатлари:	
4. Қонуний вакил бўлса, уни тасдиқловчи ҳужжат нусхаси:	

Вазирлар Маҳкамасининг  
2019 йил “15” Февралдаги  
134-сон қарорига  
3-илова

**Идоравий нотариал архивлар томонидан архив ҳужжатларини  
бериш бўйича давлат хизмати кўрсатишнинг  
МАЪМУРИЙ РЕГЛАМЕНТИ**

**1-боб. Умумий қоидалар**

1. Мазкур Регламент жисмоний шахсларга (кейинги ўринларда ариза берувчилар деб аталади) нотариал расмийлаштирилган ҳужжатларнинг дубликати, нотариал ҳаракатларни рўйхатга олиш реестр китобидан кўчирма, архив ҳужжатларидан нусхалар ва архив маълумотларини бериш бўйича давлат хизмати (кейинги ўринларда давлат хизмати деб аталади) кўрсатиш тартибини белгилайди.

2. Давлат хизмати Давлат хизматлари марказлари орқали Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар адлия бошқармалари ҳузуридаги идоравий нотариал архивлар (кейинги ўринларда ваколатли орган деб аталади) томонидан кўрсатилади.

3. Давлат хизматлари марказлари ва ваколатли орган ўртасидаги ахборот алмашинуви электрон рақамли имзони (кейинги ўринларда ЭРИ деб аталади) мажбурий тартибда қўллаш орқали фақат идоралараро электрон ўзаро боғланиш ёрдамида амалга оширилади.

4. Давлат хизмати кўрсатиш ушбу Регламентга 1-иловага мувофиқ схема бўйича амалга оширилади.

**2-боб. Давлат хизмати кўрсатиш тартиби**

5. Ариза берувчи давлат хизмати олиш учун Давлат хизматлари марказига ўзи келган ҳолда мурожаат этади.

6. Давлат хизматлари маркази ходими ариза берувчи номидан ушбу Регламентнинг 2-иловасига мувофиқ шаклдаги сўровномани электрон шаклда тўлдиради.

7. Сўровномага:

паспорт нусхаси;

ариза берувчи ишончнома асосида ҳаракат қилаётганда – ишончнома нусхаси;

марҳум номидан амалга оширилган нотариал ҳаракатлар ҳақида архив ҳужжатлари олинаётганда – марҳумнинг ўлими ҳақида гувоҳнома ва ариза берувчининг марҳумга қариндошлигини тасдиқловчи ҳужжатлар;

ариза берувчи васиятномага асосан меросхўр бўлганда – васиятнома ва марҳумнинг ўлими ҳақида гувоҳнома нусхалари, ариза берувчи қонуний вакил бўлса – уни тасдиқловчи ҳужжат нусхаси илова қилинади.

Ариза берувчи тақдим этган ҳужжатлар нусхалари Давлат хизматлари маркази ходимлари томонидан уларнинг асл нусхаларидан олиниши лозим.

8. Сўровномага зарур маълумотларни расмийлаштиригандан ва киритгандан сўнг аризачи уни ўз ЭРИси билан тасдиқлайди.

Ўзи келиб мурожаат этган тақдирда сўровномани ЭРИси билан тасдиқлаш имконияти бўлмаган ҳолларда тегишли имзолар идентификация қилишнинг бошқа воситалари (дактилоскопия, электрон имзо ва бошқалар) билан ҳам тасдиқланиши мумкин.

9. Сўровномада ишончсиз маълумотлар кўрсатилганлиги, шунингдек тегишли ҳужжатларнинг тўлиқ тақдим этилмаганлиги давлат хизмати кўрсатишни рад этиш учун асос ҳисобланади.

Давлат хизматларини кўрсатишни бошқа асослар бўйича рад этиш тақиқланади.

10. Ариза берувчилар давлат хизматидан фойдаланишдан уни кўрсатишнинг ҳар қандай босқичида бош тортиш ҳуқуқига эга. Ариза берувчи давлат хизматларидан фойдаланишдан бош тортганда унинг сўровномаси кўрмасдан қолдирилади.

11. Сўровнома Давлат хизматлари маркази ходими томонидан тўлдирилиб, ариза берувчининг ЭРИси билан тасдиқлангандан сўнг, барча ҳужжатлар 10 дақиқа мобайнида ваколатли органга электрон шаклда юборилади.

12. Сўровнома тушгандан сўнг ваколатли орган томонидан қуйидаги муддатлар мобайнида архив ҳужжатини бериш ёки уни беришни рад этиш ҳақида қарор қабул қилинади:

а) нотариал расмийлаштирилган ҳужжатларнинг дубликати - сўровнома келиб тушгандан сўнг 5 иш куни мобайнида;

б) нотариал ҳаракатларни рўйхатга олиш реестр китобидан кўчирма - сўровнома келиб тушгандан сўнг 2 иш куни мобайнида;

в) архив ҳужжатларидан нусхалар – сўровнома келиб тушгандан сўнг 2 иш куни мобайнида;

г) архив маълумотномалари – сўровнома келиб тушгандан сўнг 1 иш куни мобайнида.

13. Ваколатли орган архив ҳужжатини бериш ҳақида қарор қабул қилинган тақдирда 10 дақиқа мобайнида Давлат хизматлари марказига архив ҳужжатларини бериш учун тўланадиган тўлов суммасини кўрсатган ҳолда электрон тарзда хабарнома ва архив ҳужжатларини юборади.

14. Архив ҳужжатларини бериш учун қуйидаги миқдорларда тўлов ундирилади:

нотариал расмийлаштирилган ҳужжатларнинг дубликатини бериш учун – энг кам ойлик иш ҳақининг 5 фоизи миқдориди;

нотариал ҳаракатларни рўйхатга олиш реестр китобидан кўчирма бериш учун – энг кам ойлик иш ҳақининг 5 фоизи миқдориди;

архив ҳужжатларидан нусхалар бериш учун – энг кам ойлик иш ҳақининг 2 фоизи миқдорида;

архив маълумотномалари бериш учун – энг кам ойлик иш ҳақининг 1 фоизи миқдорида.

Гербли (махсус) бланкаларда нотариал расмийлаштирилган ҳужжатларнинг дубликатлари берилганда қонун ҳужжатларига мувофиқ герб йигими ундирилади.

Давлат хизматини кўрсатиш учун тўлов тўланганлигини тасдиқлаш ахборот – коммуникация тизимлари орқали амалга оширилади.

15. Тўлов суммаси қуйидаги тартибда тақсимланади:

20 фоизи – Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Давлат хизматлари агентлигининг бюджетдан ташқари жамғармасининг шахсий ҳисоб рақамига ўтказилади;

қолган маблағлар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тақсимланади.

16. Давлат хизматлари марказига хабарнома тушганидан сўнг 10 дақиқа мобайнида уни ариза берувчининг электрон манзилига юборди ва бу ҳақда ариза берувчини ахборот-коммуникация тизими орқали хабардор қилади.

17. Тўлов амалга оширилгандан сўнг, архив ҳужжати электрон ёки қоғоз шаклда ариза берувчига берилади. Ариза берувчининг сўровига асосан ҳужжатларга Давлат хизматлари марказининг муҳри босиб берилиши мумкин. Нотариал тасдиқланган ҳужжатларнинг дубликатлари ариза берувчига фақат қоғоз шаклда берилади.

18. Архив ҳужжатлари нотариал архивда мавжуд бўлмаса, кўрсатилган хизматлар учун ариза берувчи томонидан тўлов амалга оширилмаса, давлат хизмати кўрсатишни рад этиш учун асос ҳисобланади.

Давлат хизматини кўрсатишни бошқа асослар бўйича рад этиш қатъиян тақиқланади.

### **3-боб. Яқунловчи қоидалар**

19. Давлат хизматлари марказлари ва ваколатли орган ходимлари ўз фаолиятини амалга ошириши натижасида олган ариза берувчилар ҳақидаги маълумотларнинг сир сақланишини таъминлаши керак.

20. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Давлат хизматлари агентлиги, унинг ҳудудий бошқармалари ва Давлат хизматлари марказлари ушбу Регламент талаблари ижроси бўйича давлат органлари ҳамда бошқа ташкилотларнинг фаолияти юзасидан доимий назоратни ва мониторингни амалга оширадилар.

21. Ариза берувчи давлат органлари ва бошқа ташкилотлар ходимларининг хатти-ҳаракатлари юзасидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда шикоят қилиши мумкин.

22. Ушбу Регламент талабларининг бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб беради.



Идоравий нотариал архивлар томонидан архив  
ҳужжатларини бериш бўйича давлат хизматини  
кўрсатишнинг маъмурий регламентига  
1-илова

**Идоравий нотариал архивлар томонидан архив ҳужжатларини бериш  
СХЕМАСИ**

Босқичлар	Субъектлар	Тадбирлар	Бажариш муддатлари
1-босқич	Ариза берувчи	1. Архив ҳужжатларини олиш учун Давлат хизматлари марказига мурожаат қилиш. 2. Белгиланган тўловни амалга ошириш.	Хоҳишига кўра
2-босқич	Давлат хизматлари маркази	Сўровномани ваколатли органга юбориш.	10 дақиқада
3-босқич	Ваколатли орган	Архив ҳужжатини расмийлаштириш, уни ўзининг ЭРИси билан тасдиқлаш ва уни Давлат хизматлари марказига юбориш.	Регламентда белгиланган тартибда
4-босқич	Давлат хизматлари маркази	1. Архив ҳужжатини бериш ҳақида ахборот-коммуникация технологиялари орқали ариза берувчини хабардор қилиш. 2. Ариза берувчига унинг сўровига асосан электрон шаклда ёки қоғоз шаклида ўзининг муҳрини босган ҳолда бериш.	10 дақиқада

Идоравий нотариал архивлар томонидан архив  
хужжатларини бериш бўйича давлат хизмати  
кўрсатишнинг маъмурий регламентига  
2-илова

(сана)

(m/p)

Идоравий нотариал архивлар томонидан архив хужжатларини бериш бўйича  
давлат хизматидан фойдаланиш учун  
**СЎРОВНОМА**

<b>I. Ариза берувчи тўғрисида маълумот:</b>	
1. Фамилияси (ҳамма ўзгартиришлар кўрсатилган ҳолда):	
2. Исми (ҳамма ўзгартиришлар кўрсатилган ҳолда):	
3. Отасининг исми (ҳамма ўзгартиришлар кўрсатилган ҳолда):	
4. Жисмоний шахснинг шахсий идентификация рақами (ЖШ ШИР) (мавжуд бўлганда):	
5. Жинси:	
6. Яшаш манзили:	
7. Телефон рақами:	
8. Ариза берувчи номидан ишончнома асосида ҳаракат қилувчи учинчи шахс ҳақидаги маълумот:	
9. Нотариал идора:	
10. Хужжат тасдиқланган сана:	
11. Нотариал ҳаракатнинг реестр рақами:	
12. Нотариал ҳаракат тури:	
<b>II. Илова қилинадиган хужжатлар:</b>	
1. Паспорт нусхаси:	
2. Ишончнома нусхаси (конун хужжатларида белгиланган ҳолатларда):	
3. Қариндошлиқни тасдиқловчи хужжатлар (марҳум номидан амалга оширилган нотариал ҳаракатлар ҳақида архив хужжатлари олинаётганда):	
4. Васиятнома ва ўлим ҳақида гувоҳнома (ариза берувчи васиятномага асосан меросхўр бўлган тақдирда):	

Вазирлар Маҳкамасининг  
2019 йил 15 февралдаги 134-сон  
қарорига  
4-илова

**Адлия органлари ва муассасаларидан ҳамда фуқаролик ҳолати  
далолатномаларини қайд этиш органларидан чиқадиган расмий  
ҳужжатларга апостиль қўйиш бўйича давлат хизмати кўрсатишнинг  
МАЪМУРИЙ РЕГЛАМЕНТИ**

**1-боб. Умумий қондалар**

1. Мазкур Регламент жисмоний ва юридик шахсларга (кейинги ўринларда ариза берувчилар деб аталади) Давлат хизматлари марказлари орқали адлия органлари ва муассасаларидан ҳамда фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш органларидан чиқадиган расмий ҳужжатларга “Apostille” махсус штампи (кейинги ўринларда апостиль деб аталади) қўйиш бўйича давлат хизмати (кейинги ўринларда давлат хизмати деб аталади) кўрсатиш тартибини белгилайди.

2. Давлат хизмати Давлат хизматлари марказлари орқали Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар адлия бошқармалари (кейинги ўринларда ваколатли орган деб аталади) томонидан кўрсатилади.

3. Давлат хизматлари марказлари ва ваколатли орган ўртасидаги ахборот алмашинуви электрон рақамли имзони (кейинги ўринларда ЭРИ деб аталади) мажбурий тартибда қўллаш орқали фақат идоралараро ўзаро электрон боғланиш ёрдамида амалга оширилади.

**4. Апостиль:**

чет элда Ўзбекистон Республикасининг элчихоналари ёки консуллик муассасалари томонидан содир этилган ҳужжатларга;

тижорат ёки божхона операцияларига тўғридан-тўғри алоқадор бўлган ҳужжатларга;

паспортга, ҳарбий билетга қўйилмайди.

5. Апостиль қўйиш масалалари бўйича маслаҳатлар ваколатли орган томонидан берилади.

6. Давлат хизмати кўрсатиш мазкур Регламентга 1-иловага мувофиқ схема асосида амалга оширилади.

**2-боб. Давлат хизмати кўрсатиш тартиби**

7. Ариза берувчи давлат хизмати олиш учун Давлат хизматлари марказига ўзи келган ҳолда мурожаат этади.

8. Давлат хизматлари маркази ходими ариза берувчи номидан ушбу Регламентнинг 2-илласига мувофиқ шаклдаги сўровномани электрон шаклда тўлдиради.

Сўровномага қуйидаги ҳужжатлар илова қилинади:

ариза берувчининг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат нусхаси;

хорижий давлат – хорижий расмий ҳужжатларни легаллаштириш талабини бекор қилувчи Конвенциянинг (Гаага, 1961 йил 5 октябрь) қатнашчиси ҳудудида фойдаланиладиган расмий ҳужжат.

Расмий ҳужжатлар апостиль қўйиш учун асл нусхаларда ёки ариза берувчининг хоҳишига кўра нотариал тасдиқланган нусхаларда қабул қилинади.

9. Сўровномага зарур маълумотларни расмийлаштиргандан ва киритгандан сўнг аризачи уни ўз ЭРИСИ билан тасдиқлайди.

Ўзи келиб мурожаат этган тақдирда сўровномани ЭРИСИ билан тасдиқлаш имконияти бўлмаган ҳолларда тегишли имзолар идентификация қилишнинг бошқа воситалари (дактилоскопия, электрон имзо ва бошқалар) билан ҳам тасдиқланиши мумкин.

10. Давлат хизматлари маркази ходими томонидан барча ҳужжатлар сканерланади ва 10 дақиқа мобайнида идоралараро электрон ўзаро боғланиш ёрдамида ваколатли органга юборилади. Тақдим этилган ҳужжатларнинг асл нусхаси шу куннинг ўзида Давлат хизматлари маркази ходими томонидан (курьер ёки буюртма хатлар орқали) ваколатли органга етказилади.

11. Давлат хизмати кўрсатиш учун энг кам ойлик иш ҳақининг 20 фоизи миқдоридида йиғим ундирилади. Тўлов ундирилганлигини тасдиқлаш ахборот-коммуникация тизимлари орқали амалга оширилади.

Йиғимлар суммаси қуйидаги тартибда тақсимланади:

20 фоизи – Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Давлат хизматлари агентлигининг бюджетдан ташқари жамғармасининг шахсий ҳисоб рақамига ўтказилади;

5 фоизи – ваколатли органнинг ҳисоб рақамига ўтказилади;

қолган маблағлар Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджетига ўтказилади.

12. Ариза берувчи томонидан ушбу Регламентнинг 4-бандида назарда тутилган ҳужжатлар тақдим этилганлиги, расмий ҳужжатларда тегишли реквизитларнинг (тартиб рақами, сана, имзо, муҳр) ҳеч бўлмаганда биттаси мавжуд бўлмаганлиги ва давлат хизматлари кўрсатиш учун тўловнинг амалга оширилмаганлиги давлат хизматлари кўрсатишни рад этиш учун асос ҳисобланади.

Давлат хизматлари кўрсатишни бошқа асослар бўйича рад этиш тақиқланади.

13. Ариза берувчи давлат хизматидан фойдаланишдан уни кўрсатишнинг ҳар қандай босқичида бош тортиш ҳуқуқига эга. Ариза берувчи давлат хизматларидан фойдаланишдан бош тортганда унинг сўровномаси кўрмасдан қолдирилади. Бунда, тўланган йиғим суммаси қайтарилмайди.

14. Ваколатли орган апостиль қўйишни Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 17 ноябрдаги 307-сон қарори билан тасдиқланган Апостиль қўйиш тартиби тўғрисида низомга асосан амалга оширади ва натижаси бўйича апостиль қўйиш

тўғрисида ёки апостиль қўйишни рад этиш тўғрисида 5 иш куни мобайнида қарор қабул қилади.

Апостиль қўйиш тўғрисида ижобий қарор қабул қилинган тақдирда ваколатли орган ходими тақдим этилган расмий ҳужжатларга апостиль қўяди.

15. Апостиль қўйишни рад этиш учун қуйидагилар асос бўлади:

агар расмий ҳужжатдаги мансабдор шахснинг имзоси ва (ёки) муҳрнинг босма изи ваколатли органдаги намунага мувофиқ бўлмаса;

агар расмий ҳужжатни имзолаган мансабдор шахс уни имзолаш ваколатига эга бўлмаса;

қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ҳолатларда апостиль қўйиш рад этилади.

Апостиль қўйишни рад этиш ёзма хат шаклида амалга оширилади.

16. Ваколатли орган апостиль қўйилган расмий ҳужжат ёки апостиль қўйишни рад этиш ҳақидаги хатни тақдим этилган ҳужжатлар билан бирга Давлат хизматлари марказига (куръер ёки буюртма хат орқали) етказди ва Марказни бу ҳақда идоралараро электрон тарздаги ҳамкорлик тизими орқали хабардор қилади.

17. Давлат хизматлари маркази апостиль қўйилган расмий ҳужжат ёки апостиль қўйишни рад этиш ҳақидаги хат тушгандан сўнг 1 соат мобайнида ариза берувчини ахборот-коммуникация тизими орқали хабардор қилади.

18. Давлат хизматлари маркази ходими Апостилни рўйхатдан ўтказиш дафтарига тегишли ёзувни киритган ҳолда апостиль қўйилган расмий ҳужжатни ёки апостиль қўйишни рад этиш ҳақидаги хатни тақдим этилган ҳужжатлар билан бирга ариза берувчига топширади. Бунда ариза берувчи томонидан унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат кўрсатилади.

### **3-боб. Яқунловчи қондалар**

19. Давлат хизматлари марказлари ва ваколатли орган ўз фаолиятини амалга ошириши натижасида олинган маълумотларнинг махфийлигини таъминлайди.

20. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Давлат хизматлари агентлиги, унинг ҳудудий бошқармалари ва Давлат хизматлари марказлари ушбу Регламент талаблари ижроси бўйича давлат органлари ҳамда бошқа ташкилотларнинг фаолияти юзасидан доимий назоратни ва мониторингни амалга оширадилар.

21. Ариза берувчилар давлат органлари ва бошқа ташкилотлар ходимларининг хатти-ҳаракатлари юзасидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда шикоят қилишлари мумкин.

22. Мазкур Регламент талабларининг бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб беришади.

Адлия органлари ва муассасаларидан ҳамда фуқаролик ҳолати  
далолатномаларини қайд этиш органларидан чиқадиган  
расмий ҳужжатларга апостиль қўйиш бўйича давлат хизмати  
кўрсатишнинг маъмурий регламентига  
1-илова

Адлия органлари ва муассасаларидан ҳамда фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш органларидан чиқадиган расмий ҳужжатларга  
апостиль қўйиш бўйича давлат хизмати кўрсатиш  
СХЕМАСИ

Босқичлар	Субъектлар	Тадбирлар	Бажариш муддатлари
1-босқич	Ариза берувчи	Апостиль қўйиш учун Давлат хизматлари марказига ўзи келиб мурожаат қилиш.	Хоҳишига кўра
2-босқич	Давлат хизматлари маркази	1. Сўровнома тўлдириб барча ҳужжатларни сканерлаш ва идоралараро электрон тарздаги ҳамкорлик тизими орқали юбориш. 2. Ҳужжатларнинг асл нусхасини ваколатли органга юбориш.	1. Сўровнома тўлдирилгандан кейин 10 дақиқа мобайнида. 2. Шу куннинг ўзида
3-босқич	Ваколатли орган	1. Апостиль қўйиш ёки апостиль қўйишни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилиш. 2. Апостиль қўйилган расмий ҳужжатни ёки апостиль қўйишни рад этиш ҳақидаги хатни тақдим этилган ҳужжатлар билан бирга Давлат хизматлари марказига юбориш.	5 иш куни мобайнида
4-босқич	Давлат хизматлари маркази	1. Апостиль қўйилган расмий ҳужжатни ёки апостиль қўйишни рад этиш ҳақидаги хат тушгандан сўнг ариза берувчини ахборот-коммуникация тизими орқали хабардор қилиш. 2. Апостилни рўйхатдан ўтказиш дафтарига тегишли ёзувни киритган ҳолда апостиль қўйилган расмий ҳужжатни ёки апостиль қўйишни рад этиш ҳақидаги хатни тақдим этилган ҳужжатлар билан бирга ариза берувчига топшириш.	1. 1 соат мобайнида. 2. Ариза берувчининг сўровига асосан

Адлия органлари ва муассасаларидан ҳамда фуқаролик  
ҳолати далолатномаларини қайд этиш органларидан  
чиқадиган расмий ҳужжатларга апостиль қўйиш  
бўйича давлат хизмати кўрсатишнинг маъмурий  
регламентига  
2-илова

(сана)

(рақам)

Адлия органлари ва муассасаларидан ҳамда фуқаролик ҳолати  
далолатномаларини қайд этиш органларидан чиқадиган расмий ҳужжатларга  
апостиль қўйиш тўғрисида  
СЎРОВНОМА

<b>Ариза берувчи – жисмоний шахс тўғрисида маълумот:</b>	
1. Фамилияси:	
2. Исми:	
3. Отасининг исми:	
4. Туғилган санаси:	
5. Доимий ёки вақтинча яшаш манзили:	
6. Паспорт серияси ва рақами:	
7. Жисмоний шахснинг шахсий идентификация рақами (ЖШ ШИР) (мавжуд бўлганда):	
8. Шахсини тасдиқловчи бошқа ҳужжатнинг номи ва реквизитлари	
9. Апостиль тақдим этиладиган мамлакат:	
10. Апостиль тўлдириладиган тил:	
10.1. Ўзбек тилида:	
10.2. Ингилиз тилида:	
11. Электрон почта манзили:	
12. Телефон рақами:	
<b>Ариза берувчи – юридик шахс тўғрисида маълумот:</b>	
1. Юридик шахснинг номи:	
2. Юридик шахснинг ташкилий-ҳуқуқий шакли:	
3. Почта манзили:	
4. Электрон почта манзили:	
5. Телефон рақами:	
6. СТИР:	
7. Апостиль тақдим этиладиган мамлакат:	
8. Апостиль тўлдириладиган тил:	
8.1. Ўзбек тилида:	
8.2. Ингилиз тилида:	
9. Ҳужжатларни тақдим этишга вакил қилинган шахс:	
9.1. Фамилияси:	
9.2. Исми:	
9.3. Отасининг исми:	
9.4. Туғилган санаси:	

10. Паспорт серияси ва рақами:	
11. Шахсини тасдиқловчи бошқа ҳужжатнинг номи ва реквизитлари	
<b>Сўровномага илова қилинадиган ҳужжатлар:</b>	
1.	
2.	

Ушбу билан апостилнинг амал қилиши фақат хорижий расмий ҳужжатларни легаллаштириш талабини бекор қилувчи Конвенция (Гаага, 1961 йил 5 октябрь) қатнашчилари бўлган ва Ўзбекистон Республикасининг мазкур Конвенцияга қўшилишини эътироф этадиган мамлакатларга татбиқ этилишидан хабардор эканлигимни тасдиқлайман.



Вазирлар Маҳкамасининг  
2019 йил “15” февралдаги  
134-сон қарорига  
5-илова

**Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига  
киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар**

1. Вазирлар Маҳкамасининг “Апостиль қўйиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида” 2011 йил 17 ноябрдаги 307-сон қарорида (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2011 й., 11-сон, 90-модда):

а) 3-бандда:

иккинчи хатбоши куйидаги тахрирда баён этилсин:

“тегишли ҳудуддаги адлия органлари ва муассасаларидан ҳамда фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш органларидан чиқадиган расмий ҳужжатлар бўйича – Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар адлия бошқармаларига”;

куйидаги мазмундаги учинчи хатбоши қўшилсин:

“судлардан чиқадиган расмий ҳужжатлар бўйича – Ўзбекистон Республикаси Олий судига”;

учинчи, тўртинчи ва бешинчи хатбошилар тегишинча тўртинчи, бешинчи ва олтинчи хатбошилар деб ҳисоблансин.

б) 1-иловага куйидаги мазмундаги 2<sup>1</sup>-банд қўшилсин:

“2<sup>1</sup>. Адлия органлари ва муассасаларидан ҳамда фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш органларидан чиқадиган расмий ҳужжатлар бўйича апостиль қўйиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланадиган тартибда Давлат хизматлари марказлари орқали Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар адлия бошқармалари томонидан амалга оширилади”.

2. Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 14 ноябрдаги 387-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2016 й., 11-сон, 104-модда) билан тасдиқланган Фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш қоидаларида:

16-банднинг биринчи хатбошисидаги “ФХДЁ органида” сўзлари “ФХДЁ органи томонидан бевосита ёки Давлат хизматлари марказлари орқали” сўзлари билан алмаштирилсин.

37-банддаги “ФХДЁ органи томонидан” сўзлари “ФХДЁ органи томонидан Давлат хизматлари марказлари орқали” сўзлари билан алмаштирилсин.

38-банддаги “ФХДЁ органи томонидан” сўзлари “ФХДЁ органи томонидан Давлат хизматлари марказлари орқали” сўзлар билан алмаштирилсин.

